



O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА

№98 (243) 2018 йил 14 декабрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ПУХТА ЎЙЛАНГАН ТАШАББУСЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 13 декабрь куни Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифини Ҳузур туманида барпо этилаётган Uzbekistan GTL заводи билан танишишдан бошлади.

Ушбу ҳудуд яқин-яқингача қуруқ дашт бўлиб, бу ерда қурилиши мўлжалланган завод лойиҳаси тўхтаб қолган эди.

Шавкат Мирзиёев бу лойиҳага оид барча масалаларни ҳал қилиб берди – Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ, «Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метани негизда синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳаси бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида мазкур заводнинг қурилиш майдонига келиб, уни молиялаштириш, хорижий технологиялар билан жиҳозлаш, қурувчилар ва кадрлар таъминоти каби барча масалаларни чуқур таҳлил қилган эди.

Худди ўша жой. Фақат бу гал манзара умуман бошқача. 135 гектардан зиёд майдонда қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Темир-бетон пойдеворлар қўйилиб, эстакадалар қўйилган. Улкан автокранлар ўрнатилиб, мураккаб ускуналарни йиғиш бошлаб юборилган. Заводнинг юраги бўлиши «Фишер-Тропш» реактори барпо этилмоқда.

Завод дунёдаги етакчи лицензиар компаниялар – «Sasol» (ЖАР),

«Haldor Topsoe» (Дания) ва «Chevron» (АҚШ) технологиялари асосида бунёд этилаётган. Қурилиш ишлари бош пудратчи – Корея Республикасининг «Hyundai Engineering Co. Ltd.» ва «Hyundai Engineering and Construction Co., Ltd», Сингапурнинг «Enter Engineering Pte. Ltd.» компаниялари томонидан олиб борилаётган. Қурувчи ва пайвандчиларнинг кўпчилиги маҳаллий ёшлардир.

Япония, Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ, Германия, Италия, Хитой, Россия каби 21 давлатдаги 126 заводда мажмуа учун зарур 11 мингдан ортиқ технологик ускуна тайёрланмоқда.

Бундай иш ҳажми бежиз эмас. Табиий газдан синтетик суюқ ёқилғи (GTL) олиш жуда мураккаб жараён бўлиб, юқори технологиялар ва чуқур илмий ечимларни талаб этади. Ҳозир дунёда бундай заводлар атиги бешта. Шўртандагиси олтинчиси бўлади.

Мазкур улкан лойиҳанинг умумий қиймати 3,6 миллиард АҚШ долларига тенг. Унинг амалга оширилиши натижасида йилига 3,6 миллиард куб метр газ чуқур қайта ишланиб, ЕВРО-5 стандартига жавоб берадиган 1,5 миллион тонна синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарилади. Унинг 311 минг тоннаси авиакеросин, 743 минг тоннаси дизель ёнилғиси, 431 минг тоннаси нафта, 53 минг тоннаси суюлтирилган газ бўлади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ПЕНСИОНЕРЛАРНИ ИЖТИМОЙ Қўллаб-қувватлашни КУЧАЙТИРИШГА ОИД Қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда уларнинг салоҳияти, тажрибаси ва билимини тўлақонли жалб қилиш, пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, мазкур йўналишда халқро таъминот ва стандартларни жорий этиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, **2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади.**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг **2019 йил 1 январдан пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача ошириш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2019 йил 1 январдан пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсиялар миқдори қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазирини **Ж. А. Қўчқоровга** пенсиялар барча ишловчи пенсионерларга ўз вақтида тўлиқ миқдорда тўланишини таъмин-

лаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Мазкур Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.



6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ой муддатда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б. М. Мавлонов, Г. К. Саидовларга юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 декабрь



Аҳоли эҳтиёжлари учун телевизорлар

Худудларда корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ва барқарор ишлаши учун зарур имкониятлар яратиб берилаётгани жойларда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида юксак самаралар бермоқда.

Бунди Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Biss electronics system» МЧЖ фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхонада замонавий телевизорлар ишлаб чиқарилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги қарори асосида «Biss electronics system»

масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий қиймати 2 миллиард сўмлик бўлган лойиҳа доирасида телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва бунинг натижасида 40 га яқин иш ўрни яратилди. Айни пайтга қадар бу ерда 3 минг донна телевизор ишлаб чиқарилади. Йил охиригача бу кўрсаткич 8 минг доннага етади.

Йилига 25 минг донна телевизор ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулотларини экспортга йўналтириш ҳам режалаштирилган. Яратилган янги иш ўринларида асосан касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислар меҳнат қилмоқда.

Президентимиз топшириқлари ижроси доирасида замонавий телевизорлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, – дейди корхона раҳбари С. Ғайбуллаев ўЗА муҳбири ў. Баротова. – Маҳсулотга ҳозирданок талаб юқори. Корхона тўла қувват билан иш

бошлаб, маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш тармоғи ҳам кенгайтирилади.

Хорижий замонавий технологик линиялари билан жиҳозланган корхонада лойиҳанинг кейинги босқичини ҳаётга татбиқ этиш устида иш олиб борилаётган. Бу импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бир неча баробар ошириш, ички бозорни арзон ва юқори сифатли маиший техника воситалари билан тўлдиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Семинар қизиқарли ўтди

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасида «Акциядорлик жамиятларида ахборотларнинг ошқор этилиши, қимматли қоғозларни жойлаштириш усуллари ҳамда қимматли қоғозлар бозорига доир айрим норматив ҳужжатларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари, адлия, рақобат ва ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармалари мутахассислари иштирок этишди.

Семинарда акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларида қўйиладиган талаблар тўғрисида маърузалар ўқилди.

Хусусан, жамиятнинг веб-сайтида ташкилотнинг устав, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, бизнес-режалар, раҳбарлар, бўш иш ўринлари, аффилиланган шахслар рўйхати, манзили, акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган корпоратив бошқарув кодекси, эмиссия рисоалари, йиғилишлар ўтказиш санаси, чорак, йиллик ҳисоботлар, аудит текшируви натижалари, ишлаб чиқарилган товарлар, акция сотилиши ҳамда бошқа зарур маълумотлар мажбурий жойлаштирилиши зарур экани таъкидланди.

Ахборотларнинг веб-сайтларида ошқор этилиши, аввало, жамият билан юридик ва жисмоний шахсларнинг боғланишига имкон яратиб, уларнинг муносабатларини қабул қилишни осонлаштиради. Шунингдек, жойлаштирилган ахборотларни архивлаштириш имконияти ҳам яратилади, – дейди Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Самариддин Рўзиқулов.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоблар олишди.

Сайид МЕЙЛИЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» муҳбири.

DORSA®

PO'LAT ESHIKLARI

+998 99
595 55 55

www.dorsa.uz
info@dorsa.uz

XX "Sam-Ferre" xizmat ko'rsatadi

ПРОИЗВОДСТВО ДЛЯ СИСТЕМ ВЕНТИЛЯЦИЙ ISO И КОНДИЦИОНИРОВАНИЯ ВОЗДУХА 9001:2015

ПКП ООО «JIHOZ – VENTILYATSIYA»

e-mail: jihaz-vent@mail.ru сайт: www.jihaz-vent.uz
тел: +998 (71) 273-06-77 факс: +998 (71) 273-92-68
Товары сертифицированы

РЕКЛАМА

МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ
КАСАЛЛАНИ
O'ZBEKISTON BUNYODKORI

«O'zbekiston bunyodkori» муҳбири.



ПУХТА ЎЙЛАНГАН ТАШАББУСЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Заводнинг асосий аҳамияти шундаки, табиий газ хомашё эмас, қўшимча қийматли маҳсулот сифатида сотилади. Масалан, 1000 куб метр табиий газни тахминан 155 долларга экспорт қилаётган бўлсак, янги заводда шунча газни қайта ишлаш орқали 300 долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Фойда икки баробар ортади. Бошқа GTL маҳсулотларидан олинадиган қўшимча даромад 576 миллион доллардан ошади.

Яна бир муҳим жиҳат – йилига нефть импортига кетадиган 1 миллиард доллардан ортиқ валюта тежалди. Завод ишга тушган, 1 минг 300 дан ортиқ киши иш билан таъминланади.

Президентимиз мажмуа қурилишини кўздан кечириди. Пудратчи ва инвесторлар билан суҳбатлашди.

Биз ҳар томонлама мулоҳаза қилиб, 1 миллиард долларлик импорт ўрнини тўлдирадиган тарихий лойиҳани амалга оширмоқдамиз. Бу иқтисодийтимиз барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу пайтгача нефть-газ тармоғида бундай номенклатура йўқ эди. Бу ерда ёқилғи ишлаб чиқариб, бензин таннархини туширсак, одамлар лойиҳа самарасини ўз кундалик ҳаётида сеза бошлайди, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мутахассислар, техника ва ресурслардан максимал фойдаланиб, қурилиш-монтаж жараёнларини оқилона мувофиқлаштириш, заводни ишга туширишни тезлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни имкон қадар эртароқ йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Уни фойдаланишга топшириш муддатини қисқартириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берди.

Ушбу завод Шўртан газ-кимё мажмуасига яқин жойлашгани умумлашган инфратузилма объектларидан фойдаланишда қулайлик яратди.

Бу ерда яна бир лойиҳа – Шўртан газ-кимё мажмуасининг қувватини 125 минг тоннадан 505 минг тоннагача ошириш режалаштирилмоқда. У GTL нафтани қайта ишлаб, янги турдаги полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришни кўзда tutади.

Бундай ишлар нефть-газ соҳасида биринчи кластер яратиш имконини беради. Ушбу корхоналар келгусида кимё, автомобилсозлик, туризм, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентимиз Яккабоғ туманида «Sag agro Yakkabog'» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилаётган ёнғоқзор ва бодомзорларни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 июндаги «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тuzиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда жорий йил январь ойидаги Қашқадарёга ташрифи давомида берган топшириқлари асосида туманда «Sag agro Yakkabog'» МЧЖ томонидан 25 миллиард сўм маблағ эвазига 1 минг 140 гектар майдонда ёнғоқзор ва бодомзорлар ташкил этилмоқда. Айни пайтда 700 гектар майдонда ёнғоқнинг «Chendler», «Cisco» ва бодомнинг «Avijog», «Guaga» навли қўчатлари ўтказилди. Келаси йили яна 440 гектар майдонда мазкур дарахт қўчатлари экилади. Ёнғоқзор 4 йилда, бодомзор 3 йилда ҳосилга киради.

Мазкур боғ тўлиқ барпо этилгач, йилига 7 минг тоннага яқин маҳсулот олинади. 500 кишининг бандлиги таъминланади. Етиштирилган маҳсулотнинг 60 фоизини экспортга чиқариш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз боғда ёнғоқ кўчати ўтказди. Давлатимиз раҳбари маҳаллий табиий-иқлим шароитига мос ёнғоқнинг серҳосил плантацияларини яратиш, ҳудудларда ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, маҳсулотни сотиш бозорларини кенгайтириш, ишлаб чиқилган инновацион технологияларни ёнғоқ етиштириш жараёнига жорий қилиш, ёнғоқ кўчатларини парвариш қилишга жалб этиладиган агрономларни ёнғоқ плантацияларида агротехник тадбирларни тўғри ўтказиш бўйича ўқитиш учун махсус тайёрлов курсларини ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Қашқадарё қишлоқ хўжалиги бўйича катта салоҳиятга эга. Яккабоғда ҳам ҳосилдор ерлар, деҳқончиликни яхши биладиган одамлар кўп. Бундан тўғри фойдаланиб, боғдорчиликни ривожлантириш, аҳолини ҳам озиқ-овқат билан, ҳам иш билан таъминлаш мумкин, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис кўчатхоналар ташкил этиш, аҳоли томорқалари учун мевали дарахтлар етказиб бериш зарурлиги таъкидланди.

Шу ернинг ўзида Қашқадарё вилояти туманларидаги заҳира ер майдонларида ўрмон хўжаликлари томонидан 2019-2020 йилларда писта, аччиқ бодом, ёнғоқ ва чаканда плантацияларини ташкил этиш ҳамда Қамаши давлат ўрмон хўжалигида қурқаччиликни ривожлантириш, мамлакатимиздаги ўрмон хўжаликлари ва фермер хўжаликларида писта плантациялари барпо қилиш, қорақўлчилик, узумчиликни ривожлантириш, «Nasaf agro impek» МЧЖ томонидан Китоб туманида замонавий интенсив боғ ташкил этиш лойиҳалари тақдими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига вилоятда балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Муборак туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Азиз агро транс файз» замонавий иссиқхонаси фаолияти билан танишди.

Тадбиркор Қобилжон Ғуломов 2016 йили «Муборак иссиқлик электр маркази» АЖ атрофидаги ташландиқ ҳудуддан 2 гектар ер олиб, иссиқхона барпо этган эди. Натижа кутилганидан ҳам зиёд бўлди. 2017 йил 4 гектар, 2018 йил яна 3 гектар ерда иссиқхона курди.

Табиийки, чўл ҳудудда, оқар сувдан узоқда мўл ҳосил етиштириш осон эмас. Тадбиркор бунинг ҳам уддасидан чиқди. Яъни ёмғир мавсумида 800-1000 тонналик сув тўпланадиган ҳовузлар курди. Тўпланган сувдан экинлар томчилатиб суғорилади. Яна би аҳамиятли томони «Муборак иссиқлик электр маркази» АЖда ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган иссиқ сув илгари махсус жараёнда совитиларди. Ушбу иссиқ сув қуевурлар орқали иссиқхонага тортиб келинган. У иссиқхонадаги зарур ҳаво ҳароратини таъминлаб беради, совигач, яна иссиқлик корхонасига қайтарилди. Айни пайтда иссиқхонада 100 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Келаси йили иссиқхона умумий майдони 10 гектарга етказилади. Иш ўринлари сони яна кўпаяди.

Умуман, туман бўйича 60 тадбиркорга 300 гектар ер шу каби иссиқхона қуриш учун ажратилган. Келгусида иссиқхоналар қуришни янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Президентимиз замонавий иссиқхона фаолияти билан танишди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Мамлакат иқтисоди ривож, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган бундай иссиқхоналар тармоғини янада кенгайтириш лозимлиги қайд этилди.

Шу ерда Қашқадарё вилоятида 2019-2020 йилларда иссиқхоналар ташкил этиш, Чироқчи туманида лалми майдонларда полиз экинлари етиштиришни кўпайтириш, вилоятда аҳоли томорқасидан фойдаланишни яхшилаш каби қатор лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 декабрдаги қарори билан тасдиқланган дастурга асосан Қашқадарё вилоятда енгил саноат тармоғида 10 дан зиёд йирик истиқболли лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Ўтган даврда уларнинг айримлари доирасида ишлар якунланиб, янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Қарши шаҳридаги «Sulton tex group» корхонаси ана шулардан биридир.

Мазкур корхона жойлашган ҳудуд бундан икки йил муқаддам собиқ пахта заводига қарашли қаровсиз ерлар эди. Давлатимиз раҳбарининг аввалги ташрифлари чоғида Қашқадарё вилоятида амалга ошириладиган енгил саноат лойиҳалари қаторида «Sulton tex group» корхонасини барпо этиш ҳақида ҳам маълумот берилган эди. Асосий мақсади пахта толасини чуқур қайта ишлаш орқали ташқи бозорда талаб юқори бўлган тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлган мазкур корхона вилоятда енгил саноат тармоғини ривожлантиришда муҳим лойиҳалардан бири бўлади.

Ўтган даврда лойиҳа учун Ташқи иқтисодий фаолият миқлиб банкнинг 10,4 миллион доллар кредити ва корхона таъсисчисининг 6,6 миллион доллар ўз маблағи йўналтирилиб, пахта толасидан ип-калага ишлаб чиқариш корхонасини қуриш бошлаб юборилди. Жорий йил бошида лойиҳанинг дастлабки босқичи – йилига 7 минг тонна ип-калага ишлаб чиқариш қувватига эга фабрика ишга туширилди.

Президентимиз вилоятга ташрифи давомида ушбу корхонада бўлиб, унинг фаолияти билан ақиндан танишди.

Пахта толали ип-калага ишлаб чиқаришга иختисослашган мазкур корхонада Швейцария ва Япониядан келтирилган энг сўнгги русумдаги тозалаш, йигириш ва ўраш ускуналари ўрнатилган бўлиб, бу ерда 300 га яқин ишчи меҳнат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида корхонада 5 минг 800 тонна ип-калага ишлаб чиқарилди. Шундан 12 миллион долларлик маҳсулот Поляша, Туркия, Эрон, Миср каби 10 га яқин мамлакатга экспорт қилиниб, 50 миллиард сўмлик маҳсулот ички бозорга етказиб берилди.

Корхонада толали тозалашдан тортиб, ўрашгача бўлган барча жараён автоматик тарзда бошқарилади. Лабораторияда тола ва ип сифати қаттиқ назоратга олинади.

Давлатимиз раҳбари ушбу лаборатория фаолиятини ҳам кўздан кечирди, ишчилар билан суҳбатлашди. Президентимизнинг ташрифи дои-

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, эндокринологик касалликка чалинган беморлар энди шу ерда даволанади.



расида лойиҳанинг иккинчи босқичи – йилига 3 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга тўқув фабрикаси фаолиятига старт берилди.

Таъкидлаш жоизки, умумий қиймати 53 миллион доллардан зиёд бўлган корхонанинг навбатдаги босқичларида мато тўқиш, уни бўяш, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш режалаштирилган. Жумладан, тикув маҳсулотлари ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш фабрикаси 2019 йил январь ойида ишга туширилади. Ушбу лойиҳанинг қиймати 3 миллион доллар бўлиб, Европанинг илғор ишлаб чиқариш ускуналари асосида ишлайди. Фабрика ишга тушиши натижасида 700 га яқин янги иш ўрни яратилиб, йилига 9 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Эътиборли жиҳати, бугунги кунда корхонада энг самарали иқтисодий тизим бўлган пахта тўқимачилик кластери ташкил қилиниб, бунинг учун Қарши тумани ҳудудидан 10 минг гектар ер майдони ажратилган. Пахта етиштиришдан бошлаб, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот қилиб сотишгача бўлган жараён ушбу корхонанинг ўзида амалга оширилади. Бу маҳсулот таннархи арзонлашиши ва сифат даражасининг ошишига олиб келади, вилоятда жаҳон бозорига рақобатбардор тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Шавкат Мирзиёев корхонанинг кейинги босқичларини тез ва сифатли амалга ошириш, тайёр маҳсулот турларини ва экспорт географиясини янада кенгайтириш, пахта тўқимачилик кластерини такомиллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Шу ерда Сингапурнинг «Индорама» компанияси томонидан Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида пахта тўқимачилик кластерлари ташкил этиш, мамлакатимизнинг Поляша, Эрон, Буюк Британиядаги элчиҳоналари томонидан Қашқадарё вилоятига хорижий инвестицияларнинг жалб этиш, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган режалар тақдими ўтказилди.

Президентимиз 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳрида қурилаётган Республика ихтисослаштирилган эндокринология ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказларининг Қарши филиаллари лойиҳаси билан танишиб, бу филиалларнинг ташкил этилишидан мақсад аҳолига янада кўпроқ қулайлик яратиш эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Қисқа вақт оралиғида мазкур лойиҳалар асосида жадал қурилиш ишлари бажарилди, илгари фойдаланилмай турган ҳудуд туташ жойлашган марказ филиаллари атрофи ободонлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда беморлар учун яратилган шароитлар, тиббий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар таъминоти, замонавий даволаш усуллари билан танишди.

Филиал нафақат қашқадарёликлар, балки бошқа вилоятлар ва қўшни республикалар аҳолиси учун ҳам хизмат қилади.

120 ўринли Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида реабилитация ва юрак ишемик касалликлари, сурункали юрак етишмовчилиги ва аритмология, артериал гипертензия,

рентген-эндоваскуляр жарроҳлик, кардиожарроҳлик, қабул-диагностика каби бўлимлар, кунлик 100 қатновга мўлжалланган поликлиника фаолияти йўлга қўйилди.

Марказ юрак-қон томир касалликларига тахшис қўйиш ва даволаш учун зарур барча замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Президентимиз таъкидлаганидек, бу асбоб-ускуналардан самарали ва тўғри фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир. Бунинг учун замонавий тиббиёт илмини чуқур ўзлаштирган, тажрибали ва ўз касбининг фидойи мутахассислари зарур.

Марказга юрак-қон томир касалликларини даволашда илғор тажрибага эга, Россия, Германия каби давлатларда тахшис олган, малака оширган шифокорлар жалб қилинган. Улар ўз тажрибаси ва билимларини вилоятдаги ҳамкасбларига ҳам ўргатади.

Бу ерда коронарография, вентрикулография, томирлар ангиографияси, коронар томирларни стентлаш, баллонли вальвулопластика, бўлмачалараро ва қоринчалараро тўсиқ нуқсонларини окклюдер ёрдамида бартараф этиш, аортакоронар шунтлаш, юрак орттирилган нуқсонларидан клапанларни протезлаш, аорта ва унинг шохларида, юрак туғма нуқсонларида қилинадиган жарроҳлик амалиётлари бажарилади.

Шу кунгача ҳудудда эндокринология хизмати-ни кўрсатадиган бош муассаса – вилоят эндокринология диспансери бўлиб, у 1980 йилда ташкил этилган, ишлаш тизими ҳамон эскича эди.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, эндокринологик касалликка чалинган беморлар энди шу ерда даволанади. Диабетик нефропатия, умумий эндокринология ва болалар, қалқонсимон без касалликлари ва эндокрин жарроҳлик, диабетик тўпиқ жарроҳлиги, лаборатория-диагностика каби бўлимлари, 50 қатновга мўлжалланган поликлиникани ўз ичига олган марказда йилига 700-800 жарроҳлик амалиёти ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Филиални малакали мутахассислар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Икки нафар шифокор хорижда малака ошириб қайтди. Бу ерда амалга оширилган асосий ангиликлардан бири Диабет мактаби фаолияти йўлга қўйилганидир. Мактабда малакали ҳамширалар қандли диабетга чалинган беморларга ўз-ўзини назорат қилиш, касаллиқнинг келиб чиқиш омиллари, унинг олдини олиш йўллари, болаларга эса нон бирлигига асосан тўғри овқатланиш тартиби ўргатилади.

Шавкат Мирзиёев мазкур тиббиёт муассасаларига малакали мутахассисларни жалб қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қамрови ва сифатини янада ошириш юзасидан топшириқлар берди.

Қарши шаҳридаги ушбу филиаллар бошқа вилоятларга намуна бўлиши керак. Бунинг учун, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қамрови ва сифатини янада ошириш юзасидан топшириқлар берди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

Фарғона вилоятида 2019 йилда Давлат ривожлантириш дастури асосида янги қурилиш, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланиши режалаштирилган ижтимоий соҳа объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун танлов эълон қилади!

Т/р	Объект номи	Бошланғич нарх ҚҚСиз (сўм)	Бажариш муддати (кун)
БОШҚА ОБЪЕКТЛАР			
1.	Олтиариқ туманидаги санаторияни реконструкция қилиш	339 169 000	30
2.	Фарғона шаҳридаги олимпия захиралари мактаб-интернатини реконструкция қилиш (стадион ва югуриш йўлаги қуриш)	44 677 500	30
3.	Қўқон шаҳридаги ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар «Мурувват» интернет-уйини реконструкция қилиш	128 520 000	30
4.	Ўзбекистон туманидаги ногиронлиги бўлган шахслар учун Қудаш аёллар «Мурувват» интернат-уйини реконструкция қилиш	60 700 000	30
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ			
Реконструкция қилиш			
5.	Фарғона шаҳридаги вилоят 1-сонли руҳий касалликлар шифохонасини реконструкция қилиш	72 649 500	30
6.	Олтиариқ тумани, «Бўрбонлиқ» МФЙдаги 40-қишлоқ оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	37 121 200	30
7.	Сўх тумани, «Тул» МФЙдаги 51-қишлоқ оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	37 121 200	30
8.	Сўх тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш	72 649 500	30
7.	Қува тумани, «Таштакўприк» қишлоғидаги тез тиббий ёрдам станциясини капитал таъмирлаш	12 420 000	30
8.	Риштон тумани «Бешкапа» қишлоқ оилавий поликлиникасини капитал таъмирлаш	12 420 000	30
9.	Риштон тумани «Дутир» 48-қишлоқ оилавий поликлиникасини капитал таъмирлаш	13 160 880	30
МАКТАБЛАР			
Янги қурилиш			
10.	Фарғона шаҳри, «Муस्ताқиллик» МФЙда янги мактаб қуриш	146 121 000	30
11.	Қўқон шаҳри, «Сунбула» МФЙда янги мактаб қуриш	81 723 000	30
12.	Бешариқ тумани, «Жийда» МФЙда янги мактаб қуриш	81 723 000	30

13.	Бешариқ тумани, «Оқмозор» қишлоғида янги мактаб қуриш	109 275 000	30
14.	Риштон тумани, «Ёшлик» МФЙда янги мактаб қуриш	81 723 000	30
15.	Фарғона тумани, «Илғор» МФЙда янги мактаб қуриш	146 121 000	30
16.	Қува тумани, «Найман» МФЙда янги мактаб қуриш	81 723 000	30
Реконструкция қилиш			
17.	Фарғона шаҳридаги 4-мактаб	59 524 000	30
18.	Фарғона туманидаги 34-мактаб	19 377 000	30
19.	Бағдод туманидаги 33-мактаб	22 682 000	30
20.	Бувайда туманидаги 8-мактаб	31 525 000	30
21.	Данғара туманидаги 35-мактаб	30 062 000	30
22.	Сўх туманидаги 11-мактаб	53 416 000	30
23.	Ўзбекистон туманидаги 26-мактаб филиали	51 484 000	30
24.	Ўзбекистон туманидаги 61-мактаб	29 283 000	30
25.	Қува туманидаги 19-мактаб	60 874 000	30
26.	Бешариқ туманидаги 34-мактаб	25 932 000	30
27.	Фурқат туманидаги 2-мактаб	67 775 000	30
28.	Қува туманидаги 21-мактаб	19 835 000	30
Мукаммал таъмирлаш			
29.	Сўх туманидаги 13-мактаб	14 388 000	30
30.	Фурқат туманидаги 28-мактаб	17 999 000	30
31.	Ёзёвон туманидаги 10-мактаб	14 388 000	30
32.	Ёзёвон туманидаги 31-мактаб	26 825 000	30
33.	Бувайда туманидаги 13-мактаб	23 957 000	30
34.	Данғара туманидаги 5-мактаб	34 671 000	30
35.	Бағдод туманидаги 20-мактаб	30 338 000	30
36.	Қўқон шаҳридаги 22-мактаб	34 840 000	30
37.	Фарғона шаҳридаги 1-сонли мактаб-интернати	29 970 000	30
38.	Марғилон шаҳридаги 2-мактаб	33 548 000	30
39.	Бувайда туманидаги 10-мактаб	30 925 000	30
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ			
Янги қурилиш			
40.	Сўх тумани, «Офтобрў» МФЙда янги МТМ қуриш	130 940 000	45
Реконструкция қилиш			
41.	Фарғона туманидаги 9-МТМ	86 023 000	30

42.	Фарғона туманидаги 10-МТМ	86 023 000	30
43.	Марғилон шаҳридаги 33-МТМ	105 657 000	30
44.	Қўқон шаҳридаги 19-МТМ	144 175 000	30
45.	Қўқон шаҳридаги 56-МТМ	56 814 000	30
46.	Сўх туманидаги 10-МТМ	56 814 000	30
47.	Сўх туманидаги 2-МТМ	43 691 000	30
48.	Сўх туманидаги 21-МТМ	30 045 000	30
49.	Бағдод туманидаги 6-МТМ	83 158 000	30
50.	Бешариқ туманидаги 17-МТМ	56 814 000	30
51.	Бувайда туманидаги 20-МТМ	65 641 000	30
52.	Данғара туманидаги 19-МТМ	83 158 000	30
53.	Кўштепа туманидаги 18-МТМ	83 158 000	30
54.	Тошлоқ туманидаги 18-МТМ	83 158 000	30
55.	Фарғона туманидаги 18-МТМ	69 986 000	30
56.	Фурқат туманидаги 12-МТМ	43 905 000	30
57.	Ўзбекистон туманидаги 7-МТМ	108 401 000	30
58.	Ўзбекистон туманидаги 45-МТМ	83 158 000	30
59.	Қува туманидаги 51-МТМ	43 905 000	30
60.	Данғара туманидаги 13 -МТМ	65 641 000	30
61.	Ёзёвон туманидаги 5-МТМ	83 158 000	30
62.	Ёзёвон туманидаги 15-МТМ	83 158 000	30
63.	Олтиариқ туманидаги 11-МТМ	83 158 000	30
64.	Қўқон шаҳридаги 28-МТМ	144 175 000	30
65.	Бағдод тумани, «Ойдинбулоқ» МФЙдаги МТМ	83 158 000	30
66.	Бешариқ туманидаги 33-МТМ	83 158 000	30
67.	Бувайда туманидаги 21-МТМ	83 158 000	30
68.	Кўштепа туманидаги 20-МТМ	83 158 000	30
69.	Риштон туманидаги 29-МТМ	56 814 000	30
70.	Тошлоқ туманидаги 20-МТМ	86 023 000	30
71.	Учқўприк туманидаги 18-МТМ филиали	65 641 000	30
72.	Учқўприк туманидаги 9-МТМ филиали	65 641 000	30
73.	Фарғона туманидаги собиқ 27-МТМ	69 986 000	30
74.	Қува туманидаги 25-МТМ	65 641 000	30



Фаргона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси Фаргона вилоятида 2019 йилда янги қурилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилган Мажбурий ижро бюроси объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун танлов эълон қилади!

ЭЪЛОН 3

ОБЪЯВЛЕНИЕ О РЕЗУЛЬТАТАХ ТЕНДЕРНЫХ ТОРГОВ ПО ЗАКУПУ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ И ОБОРУДОВАНИЯ

Проект: «Строительство доступных жилых домов в сельской местности»

Тендерные торги проводились с 23 октября по 5 декабря 2018 года (приглашение на тендерные торги №2), согласно объявлению, изданным в газете «O'zbekiston bunyodkori» за № 83 (228) от 23 октября 2018 года, № 87 (232) от 06.11.2018 года, № 93 (238) от 27 ноября 2018 года, «Вечерний Ташкент» за № 228 (13 825) от 4 декабря 2018 года, Biznes Daily Media «Iste'molchi» за № 48 (654) от 5 декабря 2018 года и размещённым на веб-сайте qqinvest.uz.

Результаты тендерных торгов и сумма победителей указаны в нижеприведенной таблице:

№ ЛОТА	Наименование товара	Претенденты	Победитель	Предложение победителя торга (сум)
1	Керамические плитки глазурованные 200x300, 300x300, цвет: по выбору заказчика	ИП ООО «Sirdarya Ceramic Production»	ИП ООО «Sirdarya Ceramic Production»	2 181 964 500,00
2	Керамические плитки глазурованные 200x300, 300x300, цвет: по выбору заказчика	СП ООО «Moderna ceramic industries Fergana»	СП ООО «Moderna ceramic industries Fergana»	1 075 877 400,00
3	Оконные рамы из ПВХ (со стеклопакетом) с подоконником (белый)	ООО «Elite Window Systems»	ООО «Elite Window Systems»	38 098 034 750,00
4	Дверные блоки наружные из ПВХ со стеклопакетами (белый)	ООО «Elite Window Systems»	ООО «Elite Window Systems»	8 861 492 600,00
5	Дверные блоки внутренние межкомнатные из МДФ (ЛХДФ)	СП ООО «Binket Group»	СП ООО «Binket Group»	42 864 485 760,96
6	Алюминиевые наружные двери со стеклом	ООО «Elite Window Systems»	ООО «Elite Window Systems»	12 815 065 200,00
7	Ламинированные полы (1295*194*8,0 мм) с изоляционными материалами	СП ООО «Woodman Group»	СП ООО «Woodman Group»	32 459 718 384,00
8	Плинтусы для ламинированного пола 55 мм с аксессуарами (цвет: темный орех)	ООО «ATOZ»	ООО «ATOZ»	2 941 062 720,00
9	Водоэмульсионные краски: внутренние и наружные (фасад)	ООО «Nukus Evro Stroy» ООО «Bayramova Aygul»	ООО «Bayramova Aygul»	415 925 900,00
10	Водоэмульсионные краски: внутренние и наружные (фасад)	ООО «Marg'ilon Nodir»	ООО «Marg'ilon Nodir»	1 315 628 550,00
11	Водоэмульсионные краски: внутренние и наружные (фасад)	ООО «Link Paint Trading»	ООО «Link Paint Trading»	620 730 000,00
12	Водоэмульсионные краски: внутренние и наружные (фасад)	ООО «Ventun Qurilish savdo» ООО «Didosa Paint»	ООО «Ventun Qurilish savdo»	517 086 600,00
13	Водоэмульсионные краски: внутренние и наружные (фасад)	ООО «Voha Mash'ali»	ООО «Voha Mash'ali»	316 103 850,00
14	Водоэмульсионные краски: внутренние и наружные (фасад)	ООО «Maxmud Bobo Sobirov»	ООО «Maxmud Bobo Sobirov»	544 809 150,00
15	Водоэмульсионные краски: внутренние и наружные (фасад)	ООО «Iqbol»	ООО «Iqbol»	740 595 150,00
16	Водоэмульсионные краски: внутренние и наружные (фасад)	ООО «Komfort Kolor» ООО «Ventun Qurilish savdo»	ООО «Ventun Qurilish savdo»	272 711 500,00
17	Водоэмульсионные краски: внутренние и наружные (фасад)	ООО «Real Paint Materials»	ООО «Real Paint Materials»	1 574 352 900,00
18	Газо-электрическая плита (3+1)	ООО «Eko Elektron»	ООО «Eko Elektron»	8 816 080 000,00
19	Электро-водонагреватель 80 л	ЧП «Statura»	ЧП «Statura»	2 437 820 000,00
20	Электро-водонагреватель 80 л	ООО «Domestic Desere»	ООО «Domestic Desere»	4 179 560 000,00

№ ЛОТА	Наименование товара	Претенденты	Победитель	Предложение победителя торга (сум)
21	Отопительные котлы комбинированные, мощностью 12 кВт и 16 кВт	ООО «Kardar ishlab chiqarish mahsulotlari»	ООО «Kardar ishlab chiqarish mahsulotlari»	620 480 000,00
22	Отопительные котлы комбинированные, мощностью 12 кВт и 16 кВт	ООО «Olmalik metall konstruksiya» ООО «4-Avtota'mirlash zavodi» ООО «Olmalik metall servis»	ООО «Olmalik metall konstruksiya»	1 297 440 000,00
23	Отопительные котлы комбинированные, мощностью 12 кВт и 16 кВт	ООО «Ixtisoslashtirilgan tajriba zavodi»	ООО «Ixtisoslashtirilgan tajriba zavodi»	1 667 440 000,00
24	Отопительные котлы комбинированные, мощностью 12 кВт и 16 кВт	ООО «Toshelektrotexmontaj»	ООО «Toshelektrotexmontaj»	4 504 580 000,00
25	Отопительные котлы комбинированные, мощностью 12 кВт и 16 кВт	ООО «Samservistexnologiya»	ООО «Samservistexnologiya»	423 940 000,00
26	Котлы отопительные двухконтурные, мощностью 24, 35 кВт	ИП АО «Tecnho Future»	ИП АО «Tecnho Future»	3 838 350 000,00
27	Алюминиевые отопительные радиаторы	ООО «Heating Radiators»	ООО «Heating Radiators»	4 862 880 380,50
28	Алюминиевые отопительные радиаторы	ООО «Atlant metal»	ООО «Atlant metal»	13 179 249 297,00
29	Электронные счетчики по учету расхода природного газа с выходом на АСКУГ	ООО «Gaz-Meter»	ООО «Gaz-Meter»	8 361 155 000,00
30	Электронные счетчики по учету расхода электроэнергии (однофазный многофункциональный)	СП ООО «Elektron hisoblagich» ИП ООО «Toshelektroapparat»	СП ООО «Elektron hisoblagich»	3 778 320 000,00
31	Арматура композитная для армирования конструкций	СП ООО «Mega Invest Industrial»	СП ООО «Mega Invest Industrial»	3 510 427 310,00
32	Арматура композитная для армирования конструкций	ООО «ARM COMPOSITE»	ООО «ARM COMPOSITE»	4 282 404 085,00
33	Арматура композитная для армирования конструкций	ООО «Lider Composite Group»	ООО «Lider Composite Group»	8 912 446 440,00
34	Металлические ворота с калиткой: разм. ворот: 2600*2600 и разм. калитки: 2120*1100	СП ООО «Metall Invent»	СП ООО «Metall Invent»	4 775 340 000,00
35	Металлические двери входные (утепленные, фрамугами и подъездные), для подъезда: 2070*1280; входные в квартиру: 2070*880	ООО «Dacros»	ООО «Dacros»	17 595 211 250,00
36	Кабельно-проводниковая продукция (согласно приложению)	СП ООО «Techno Cable Group»	СП ООО «Techno Cable Group»	3 353 921 916,00
37	Кухонный набор разм.: 1200 мм и 1400 мм	СП ООО «Binket Group»	СП ООО «Binket Group»	38 865 085 000,00
38	Шкаф для прихожей	СП ООО «Binket Group»	СП ООО «Binket Group»	8 113 380 000,00
39	Трубы полипропиленовые для ГВС и отопления со стекловолокном (PN 20); для ХВС без стекловолокна (PN 16)	ООО «Master Bulding Products»	ООО «Master Bulding Products»	6 584 496 016,00
40	Трубы канализационные Д:150 мм, Д:100 мм, Д:50 мм	ООО «Master Bulding Products»	ООО «Master Bulding Products»	3 098 519 500,00

Претенденты, желающие ознакомиться с причинами отклонения их предложений, вправе обратиться с запросом о разъяснении причин в Тендерную комиссию, а также могут получить дополнительную информацию от организатора тендерных торгов – ИК ООО «Кишлоқ қурилиш инвест» по адресу: 100060, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Шахрисабзская, 36.

ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

оммавий савдоларга таклиф этади!

ТИФ Миллий банки қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖнинг 2018 йил 11 декабрдаги 1559-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар оммавий савдоларга қўйилади:

- Андижон вилояти, Олтинқул туманидаги «Оқтепа деҳқон бозори»нинг бир қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагоҳ, **Умумий майдони** – 7 000,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 6 913,0 квадрат метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 2 242 071 000 сўм.
 - Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги «Арнасой деҳқон бозори»нинг бир қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагоҳ, **Умумий майдони** – 5 600,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 995,9 квадрат метр, 3 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 416 940 000 сўм.
 - Фаргона вилояти, Қувасой шаҳридаги «Қувасой деҳқон бозори»нинг бир қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагоҳ, **Умумий майдони** – 4 870,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 700,9 квадрат метр, 5 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 1 270 537 000 сўм.
 - Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги «Зарбдор деҳқон бозори»нинг бир қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагоҳ, **Умумий майдони** – 5 600,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 991,4 квадрат метр, 4 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 2 443 079 000 сўм.
 - Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги «Зафар деҳқон бозори»нинг бир қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагоҳ, **Умумий майдони** – 5 600,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 899,3 квадрат метр, 4 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 1 827 170 000 сўм.
 - Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги «Ховос деҳқон бозори»нинг бир қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотурагоҳ, **Умумий майдони** – 5 600,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 892,0 квадрат метр, 9 та литердан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 1 962 303 000 сўм.
- Савдога чиқарилган мазкур мулкларни сотиб олиш истатини билдирган талабгорлардан аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб, расмий иш кунлари соат

10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Талабгорлар таклифлари 2019 йил 7 январь куни соат 11.00 дан бошлаб қўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Талабгорлар таклифи маъқул топилмаган ва таклифлар сони етарли бўлмаган тақдирда, 2019 йилнинг 15 ва 21 январь кунларида ҳам таклифлар қўриб чиқилишини олдиндан маълум қиламиз. Таклифларни қабул қилиш белгиланган саналардан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертга солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:

- **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- **жисмоний шахслар** – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш ва мулкнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдоридagi суммани тўлаш мажбурияти юклатилади. Қолган 85 фоиздан иборат сумма олди-сотди шартномаси имзоланган кундан 3 ой ичида тўланиши лозим.

Талабгорлар мулкнинг 1 фозиздан кам бўлмаган миқдордаги суммани закатлат сифатида «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топишгунга қадар тўлашлари шарт: 2260 4000 2049 2060 9001 ХАТБ «DAVR BANK» Олмazor филиали МФО 01121 СТИР 207 122 519.

Савдо ташиклотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамиш-1» кўчаси, 1-«А» уй.

Тел.: 71-233-83-27, 71-228-80-27.

Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

Веб-сайт: www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.
RR-0001 сонли лицензия.

Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

Фарғона вилоятида 2019 йилда янги қурилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилган Мажбурий ижро бюроси объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун танлов эълон қилади!

Т/р	Объект номи	Бошланғич нарх ҚҚСсиз (сўм)	Бажариш мuddати (кун)
Янги қурилиш			
1.	Қува туманида 60 ўринли мажбурий ижро бюроси ва департамент	82 115 000	30
2.	Ёзёнов туманида 40 ўринли мажбурий ижро бюроси, департамент ва инспекция	73 800 000	30
3.	Қўқон шаҳрида 120 ўринли прокуратура, мажбурий ижро бюроси ва департамент	107 000 000	30
4.	Марғилон шаҳрида 40 ўринли мажбурий ижро бюроси	61 200 000	30
5.	Бувайда туманида 80 ўринли прокуратура, мажбурий ижро бюроси ва департамент	91 700 000	30
Реконструкция қилиш			
6.	Бағдод туманидаги мажбурий ижро бюроси	66 500 000	30
7.	Тошлоқ туманидаги мажбурий ижро бюроси	32 400 000	30
8.	Қўштепа туманидаги мажбурий ижро бюроси	11 000 000	30
9.	Олтиариқ туманидаги мажбурий ижро бюроси	21 420 000	30
10.	Данғара туманидаги мажбурий ижро бюроси	35 890 000	30
11.	Бешариқ туманидаги мажбурий ижро бюроси	45 520 000	30
12.	Сўх туманидаги мажбурий ижро бюроси	26 775 000	30

Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй.
Телефонлар: 73-244-55-64, (90) 532-86-50.

ХАБАРНОМА

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2018 йил 16 ноябрдаги 90 (235)-сонида «Nasaf rielt servis» МЧЖ томонидан 2018 йил 13 декабрь куни Қарши шаҳрида ўтказиладиган очик аукцион савдоси тўғрисидаги хабарномада берилган: «2018 йил 13 декабрь» сўзлари «2018 йил 18 декабрь»; Нишон тумани, «Нуристон» МФЙ ҳудудида жойлашган, **умумий майдони** – 686,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 383,64 квадрат метр бўлган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси. **Бошланғич баҳоси** – 180 567 084 сўм деб;

Нишон тумани, «Нуристон» МФЙ ҳудудида жойлашган, **умумий майдони** – 380,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 269,93 квадрат метр бўлган тикувчилик чежи (эски «Овощной магазин») биноси. **Бошланғич баҳоси** – 142 893 796 сўм» деб ўқилсин. Аукцион савдосида қатнашиш учун буюртманомалар 2018 йил 17 декабрь соат 18.00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Nasaf rielt servis» МЧЖ биносида қабул қилинади. **Мурожаат учун телефон:** (95) 680-84-58; (91) 222-37-15.

4 БУНЁДКОРЛИК

«Обод қишлоқ» дастурига мувофиқ, жорий йилда Сирдарё вилоятининг 16 та ижтимоий оғир қишлоғи танлаб олинди, вилоят, туман ва шаҳарларда тегишли мутасадди бошқарма ҳамда ташкилотлар вакилларида иборат штаблар ташкил этилди.



Кичик вилоятда амалга оширилаётган катта ишлар

Ўрта Осиё минтақасининг энг узун дарёси – Сирдарё Фарғона водийсидан оқиб чиққанидан сўнг Фарҳод тоғларини кесиб ўтгач, ўзанини кенгайтирган ҳолда Мирзачўл ҳудудларига ҳаёт бахш этади. Шу боис ҳам мамлакатимизнинг энг кам аҳоли яшайдиган, бироқ энг серқатнов транспорт йўлакларига эга бу вилоятга мазкур дарё номи берилган.

ТАРИХГА НАЗАР

Тарихий маълумотларга қўра, ўрта асрларда Уструшона давлати таркибига кирган ҳудуднинг катта қисми чўл бўлса-да, у ерда рабоблар, қарвонсаройлар, тоғолди ҳудудларида эса бир қатор қалъа-қўрғонлар, шаҳарлар қад ростлаган.

Вақт ўтиб, манзаралар ўзгара бошлаган. XIX аср ўрталарида Мирзачўл қумли тупроқ билан қопланган жазирага саҳро кўринишида бўлган. Чўл юзасининг айрим қисмлари шўрланган бўлиб, оппоқ тузи қуёшда ярқираб турган. Сув камдан-кам учрагани боис, ҳудудда аҳоли масканлари жуда кам бўлган. Баҳорда чўл жонланиб, унинг юзаси ям-яшил ўсимликлар ва қип-қизил қизғалдоқлар билан қопланган. Маҳаллий аҳоли, шунингдек, шу ердан ўтган қарвонлар йўловчилари қудуқлар ва сардобалардан фойдаланган.

Маълумот ўрнида

1917 йилга қадар Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездига қарашли бўлган Мирзачўл (1960 йиллар бошида аҳоли пунктига Гулистон номи берилган) кейинчалик Туркистон Автоном Республикаси – Голодностепская уездига ўтди. 1923 йили қўрғон, 1925 йили туман деб эълон қилинди. 1948-50 йилларда шаҳар типидаси қўрғонга айланган Мирзачўлга 1952 йилда шаҳар мақоми берилди.

Тарих тақозоси билан шу ҳолдаги чўл XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россия эътиборини тортди. Бу қизиқиш Туркистон аҳолининг туб манфаатларига хизмат қилиш учун эмасди, албатта. Зеро, ўша даврда саноатнинг деярли барча турлари, хусусан, тўқимачилик тармоқлари ривожланган Россия чор ҳукуматида пахта сув ва ҳаводек зарур эди. Аксига олиб, ўша йилларда тўқимачилик корхоналарида ишлатилаётган пахта хом ашёсининг 80 фоизи АҚШдан келтирилган, америкаликлар йил сайин пахта нархини оширар, етказиб бериш шарт-шароитларини оғирлаштирарди. Шу боисдан ўрта Осиёда хусусий пахтачилик базасини яратиш империя учун бирламчи аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолганди. Шу мақсадда Мирзачўлга бирин-кетин ҳарбий сураатлар, лойиҳачилар, муҳандис-техник мутахассислар гуруҳлари, хизматини тугатган солдат ва казаклар, тирикчилиги юришмаган рус деҳқонлари жўнатила бошланади. Шу тариқа 1880-1890 йилларда ҳудудда янги аҳоли пунктлари пайдо бўлади.

Россия империяси даврида Сирдарё вилояти Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидagi беш маъмурий ҳудуднинг бири бўлади. Собиқ иттифок даврида, 1963 йилда Ўзбекистоннинг бир вилояти сифатида тикланган маъмурий ҳудуд 1989 йилда Жиззах вилояти билан бирлаштириб юборилди. 1990 йилда ҳар икки вилоят алоҳида маъмурий ҳудуд сифатида қайта ташкил этилди.

Шу ўринда Мирзачўл номининг келиб чиқиши мавзусига тўхталиб ўтсак. Ривоят қилинишича, 1900 йиллар бошларида тошкентлик бир бадавлат киши чўлга сув чиқариб, экин экади. Бойнинг исми Мирза бўлиб, у чўлга мардикорларни олиб келиб, ишлатиб, ҳудудни обод қилади. Экинлар яхши бўлгани учун бой ёлланма ишчиларга яхши ҳақ ўлатади. Бунини эшитган бошқа одамлар ҳам яшнай бошлаган чўлга кўчиш пайида бўладилар. Кўчаётганлардан «каерга кетаясизлар?» деб сўрашса, улар «Мирзанин чўлига», деб жавоб беришган экан. Асосийси, Мирзачўлнинг ўзлаштирилган ерга эккан қовун-тарвузлари шаҳар бо-



зорларида яхши сотилар экан. «Бу маҳсулотлар қаердан олиб келинган?» деса-лар, сотувчилар «Мирзанин чўлидан», яъни Мирзачўлдан, деб жавоб беришар экан. Шу тариқа бу ер Мирзачўл дея атала бошланибди. Бошқа маълумотларга қўра, чўлда дастлаб ўзлаштирилган ерларга марза (тупроқ уюмидан тортилган чегара) тортилган экан. Халқ шу ерларни «марза тортилган ер» деб атаган. Кейинчалик бу ерлар «Марзачўл», талаффузда бузилиб «Мирзачўл» деб юритила бошланган экан.

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ВА «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРЛАРИ – АМАЛДА!

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнаомлигида қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ҳамда шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари қабул қилинди.

Айнан «Обод қишлоқ» дастурига мувофиқ, жорий йилда Сирдарё вилоятининг 16 та ижтимоий оғир қишлоғи танлаб олинди, вилоят, туман ва шаҳарларда тегишли мутасадди бошқарма ҳамда ташкилотлар вакилларида иборат штаблар ташкил этилди.

Штаб аъзолари томонидан 12 170 та оила, 62 312 нафар аҳоли яшайдиган ана шу манзилларда хатловлар ўтказилиб, у ерда амалга оширилаётган ишлар белгилаб олинди. Объектларнинг бош режалари ишлаб чиқилиб, 9 726 та объектнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. 16 та қишлоқда амалга оширилаётган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари учун аниқ манбалар ҳисобидан 174,8 млрд сўм миқдоридagi маблағлар сарфланиши режалаштирилди.

Бюджет маблағлари ҳисобидан 15 та умумтаълим мактаби, 3 та мактабгача таълими, 11 та соғлиқни сақлаш муассасаси, кўплаб уй-жойлар ҳамда ана шу объектлар атрофидаги ҳудудларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Ижтимоий соҳа ва ичимлик сув объектларини таъмирлаш ишларига 30,7 млрд сўм, ички йўлларни таъмирлашга 17,0 млрд сўм, уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштириш (кўп қаватли уйлар атрофида ҳожатхона, тандирхона ва болалар майдончаларини қуриш) ишларига 5,8 млрд сўм йўналтирилди.

Маълумот ўрнида

Сирдарё вилоятида айни кунда 100 дан ортиқ хорижий капитал иштирокидаги корхона фаолият юритиб келаётган бўлса, ушбу корхоналарнинг 41 таси Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда тузилган. «Пенг Шенг» қўшма корхонаси, «Ванеда Групп», «Крона плут», «Maker international Uzbekistan», «Модерн Лифт Систем» масъулият чекланган жамиятлари шулар сирасига кириди. Ушбу корхоналар томонидан янги турдаги сантехника воситалари, гранит керамик кафеллар, ПВА клей ва эмульсия, маҳаллий хом ашёдан ДСП, LED лампочкалари, лифт ва эскалаторлар, тиббий шприц ва системалар, фармацевтика саноати учун шиша идиш каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, вилоятнинг 16 та лойиҳа ташкилоти томонидан дастурга киритилган қишлоқлар бош режалари тайёрлаш, бозор инфратузилма объектларини жойлаштириш, ижтимоий соҳа объектларини янгитдан қуриш, реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича тайёрланган лойиҳалар тасдиқланди.

87,4 километр ички ва ҳўжаликлар аро йўлларни асфальтлаштириш учун 34,0 млрд сўм ажратилиб, шу кунга қадар мазкур маблағнинг 90 фоизи сарфланди. 101,1 километр узунликдаги ички йўллар кум-шағал аралашмаси билан қопланди.

Дастур доирасида вилоятдаги 16 та аҳоли яшаш манзилида 5 та янги ичимлик сув қудуғини қазиб, 6 тасини реконструкция қилиш, 13 та янги сув

минорасини ўрнатиш, 3 тасини қайта таъмирлаш, 6 та янги трансформатор ўрнатиш, шунингдек, 96,8 километр узунликдаги ичимлик сув тармоқларини қуриш ишлари амалга оширилди.

Аҳолини табиий ва суьултирилган газ билан таъминланганини янада яхшилаш мақсадида дастур бўйича 9 километр газ қувурини таъмирлаш режалаштирилган бўлса-да, бугунги кунгача 11,9 км (132 фоиз) қувур ва 40 та газ тақсимлаш қурилмалари тўлиқ таъмирланди. Шунингдек, аҳолига 11 107 дон суьултирилган газ билан тўлдирилган баллонлар етказиб берилди.

8,1 млрд сўм миқдоридagi маблағ ҳисобига 107 километр масофадаги электр тармоқлари «СИП» симларга алмаштирилди. 10 та янги трансформатор ўрнатилиб, 26 таси реконструкция қилинди.

Дастурга киритилган 16 та маҳаллада 210 та кўп қаватли уй-жойлар учун жами 8,5 млрд сўм банк кредити маблағлари ажратилиб, ана шу маблағ ҳисобига уйларнинг 75 608 квадрат метр том қисми, 166 та уйнинг фасад қисми таъмирланди.

Бундан ташқари, айни кунда бозорлар ҳудудига ва атрофида 152 та инфратузилма объекти, жумладан, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, сартарошхоналар, ҳаммом ва «Корзинка» шаклидаги савдо марказларини қуриш, 60 та мавжуд объектларни таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

«Обод маҳалла» дастури ижроси бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинаётир. Бунинг учун вилоятнинг учта энг йирик – Гулистон, Ширин ва Янгиер шаҳарларидаги 6 та маҳалла танлаб олинди, мазкур манзилларда 2018 йил давомида 137,3 млрд сўмлик чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилаб олинди.

Жумладан, Гулистон шаҳридаги «Обод юрт» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi 25 та кўп қаватли уйларнинг фасади ва том қисмлари таъмирланиб, МФЙнинг янги биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Атрофдаги ноқуний қурилмалар ўрнига аҳоли учун сайлгоҳлар, велосипед ва ролик учадиган йўлакчалар барпо этилди. Ҳудуддаги МТМни реконструкция қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

– Маълумки, мамлакатимиз Президенти 2017 йил 17 майда Сирдарё вилоятига амалга оширган ташири дово-

мида Гулистон шаҳар истироҳат боғини реконструкция қилиш бўйича топшириқ берган эди, – дейди Гулистон шаҳри ҳокими Тўлқин Дадабоев. – Бугунги кунда мазкур топшириқ ижроси тўлиқ таъминланиб, қисқа вақт ичида 11 млрд сўм миқдоридagi маблағлар ҳисобига марказий истироҳат боғи ўзгача қиёфага эга бўлди. Мавжуд дарахтларга шакл берилиб, кўплаб янги кўчатлар экилди. Боғ йўлакларига тошлар ётқизилиб, йўлаклар атрофида замонавий ёриткичлар, безакли ўриндиқлар ўрнатилди, айвончалар барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллий байрами арафасида фойдаланишга топширилган Гулистон шаҳар маданият ва истироҳат боғи шу тариқа вилоят аҳолиси маданий ҳордиқ чиқарадиган жойлардан бирига айланди.

Вилоят марказидаги «Сайқал» МФЙ ҳудудига 49 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларнинг 45 таси икки қаватли, 4 таси тўрт қаватли. Мазкур турар жойлар ва бир қатор якка тартибдаги хусусий уйларда қарийб 6 000 нафар аҳоли яшайди. Дастур асосида кўп қаватли 16 та уйнинг фасад ва том қисмлари тўлиқ таъмирланди. Ҳозир МФЙ ҳудудига канализация тармоқларини ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Маҳалла идораси янги қурилган бинога кўчирилди. Битта умумтаълим мактаби, иккита болалар боғчаси, битта спорт мактаби тўлиқ таъмирланди.

Ҳудди шундай ишлар Ширин шаҳридаги «Бунёдкор», Янгиер шаҳридаги «Темир Мулик» ва «Наврўзобод» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудига амалга оширилмоқда.

УЙ-ЖОЙ ТАЪМИНОТИ – ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Тан олиш жоиз, юртимизнинг барча минтақаларида аҳоли яшаш манзилларини ободонлаштириш, мавжуд турар жойлар ва бошқа ижтимоий объектларини таъмирлаш баробарида ҳудудда, айниқса, қишлоқ масканларида яшовчи аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, у даражада кўп аҳолига эга бўлмаган Сирдарё вилоятида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилиши. Бу гапимизга «Қишлоқ

қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси Сирдарё вилояти филиали директори ўринбосари Асоиддин Аннакуловнинг қуйидаги сўзларини далолат сифатида келтиришимиз мумкин:

– 2009-2017 йиллар давомида вилоятда филиалимиз томонидан жами 3 957 та уй қурилган бўлиб, мазкур қурилиш ишларига 547,187 млрд сўм маблағ сарфланди. Энг кўп уй-жойлар Гулистон (1 236 та), Боёвут (853), Мирзаобод (713) ва Сирдарё (453) туманларида барпо қилинган. Шунингдек, Ховос (276), Сайхунбод (201), Сардоба (125) ва Оқолтин (100) туманларида юзлаб оилалар янги уйларга кўчиб кирди.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январда қабул қилинган «Уй-жойлар қуришни ривожлантириш бўйича мақсадли Дастурларини самарали амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3480-сонли қарори ва вилоят ҳокимининг 2018 йил 20 январдаги 40-сонли қарорига асосан жами 1 057 та хонадонли уй-жойларни қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур уйларнинг асосий қисми, яъни 711 таси уй шароитини яхшилашга эҳтиёжи бор оилаларга тақдим этилган бўлса, 45 та уй вилоятдаги фаол ёшлар учун қуриб берилди. Бундан ташқари, дастур бўйича Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ходимлари учун ҳар бири 30 хонадонга эга бўлган 5 та кўп қаватли уй (жами 150 та 3 хонали хонадон), Давлат хавфсизлиги ходимлари учун иккита беш қаватли уй (жами 60 та хонадон), ҳудудий ҳокимлик ва идора раҳбарлари учун 83 та, прокуратура инспекторлари учун 38 та хизмат уйи қуриб бериш белгиланган. Йил якунига қадар ана шу уйларнинг барчаси фойдаланишга топширилди.

Аҳамиятлики, бу борадаги ишларни кейинги йилларда ҳам давом эттириш кўзда тутилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 мартда қабул қилинган «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойларни Осиё тараққиёт банки иштирокида қуриш дастурини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2812-сонли қарорига мувофиқ 2017-2021 йилларда мазкур молия муассасаси маблағлари ҳисобидан Сирдарё вилоятининг ўзида 4520 та уй-жой қуриш белгиланган, – дейди А. Аннакулов. – Вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган массивлар рўйхатида асосан 2019 йилда Осиё тараққиёт банки иштирокида вилоятнинг 8 та туманидаги 19 та массивда жами 904 та хонадон учун уй-жой қуриш режалаштирилган.

Маълумот ўрнида

«Сирдарё иссиқлик электр станцияси» АЖ – Марказий Осиёда энг йирик электр станцияси бўлиб, ўрнатилган қуевати 3000 МВтга тенг. Ширин шаҳрида жойлашган станциянинг қурилиши 1966 йилда бошланиб, 1981 йилда аяқунланган. Фойдаланадиган ёқилғиси – табиий газ, захиравий ёқилғиси – мазут. Республиканинг ягона энергетика тизимига қирувчи ИЭСда Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг тахминан учдан бир қисми ишлаб чиқарилади.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш мумкин, юртимизнинг «кенжа» маъмурий ҳудудларидан бири – Сирдарё вилоятида унинг аҳолиси ҳеч қандам кам бўлмаган ҳолда яшаши, ишлаши, дам олиши ҳамда бошқа ҳуқуқларидан фойдаланиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Ишончимиз комилки, яқин келажақда вилоят саноати, қишлоқ ҳўжалиги, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожланган, яна кўплаб хорижий инвесторларни жалб қила оладиган ҳудудга айланади. Зеро бунинг учун вилоятда барча зарур имкониятлар, энг асосийси, меҳнатсевар халқи бор.

Шухрат Хўжаев,
Эшмуҳаммад ХАЛИЛОВ (фото),
«O'zbekiston bunyodkori»нинг
махсус мухбири,
Тошкент – Гулистон – Тошкент.